

**Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг
юридик хизмати тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг юридик хизматига (кейинги ўринларда – юридик хизмат деб аталади) қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Юридик хизмат – Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этилган мустақил (таркибий тузилма) лавозим ҳисобланади.

Юридик хизмат бевосита Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг бошлиғига бўйсунади.

3. Юридик хизмат 1 штатдан иборат бўлиб, бош юрисконсульт лавозими киритилган.

4. Юридик хизмат бош юрисконсульт (кейинги ўринларда бош юрисконсульт) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

Шунингдек, Давлат статистика қўмитасининг, Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг қарорларига, буйруқларига, бошқа ҳужжатларига ва топширикларига амал қиласди.

5. Бош юрисконсульт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

6. Бош юрисконсульт лавозимга Давлат статистика қўмитаси Юридик хизмати ҳамда тегишли ҳудудий адлия бошқармаси билан келишилган ҳолда тайинланади ва озод қилинади.

7. Сурхондарё вилояти статистика бошқармасида бош юрисконсульт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Бош юрисконсульт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта маҳсус юридик маълумотга эга бўлган шахс, шунингдек олий таълим муассасасининг “Юриспруденция” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавриат босқичининг битириувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

8. Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг бош юрисконсультига мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамалар қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

9. Бош юрисконсульт сифатидаги меҳнат стажи бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларига ўтганда, мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади.

10. Бош юрисконсульт қонунчилика белгиланган тартибда ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтади.

11. Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилишида ҳар йили Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси тизими фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликка риоя этилиши аҳволи тўғрисидаги Юридик хизматнинг ҳисоботи эшитилади.

2-боб. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ва функциялари

12. Қўйидагилар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

бошқарма томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

бошқарманинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида бошқарманинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

ходимларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказища иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

13. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) бошқарманинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) бошқармада, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширища иштирок этади;

б) бошқарма раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик

хизмат томонидан бошқарманинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган бошқарманинг қарорлари юзасидан хulosалар беради;

г) мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда бошқарманинг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа хужжатларини ишлаб чиқиши, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) бошқармада, шунингдек тегишли тузилмаларда хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қиласди ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) бошқарманинг бошқа тузилмалари билан биргаликда бошқарма, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқиша иштирок этади;

ж) бошқармада бошқарув тизимини такомиллаштириш, бошқарма тизимида кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади;

з) бошқармада меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи хуқукий хужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқиша иштирок этади, ушбу хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва хуқукий холоса беради;

и) бошқарма раҳбариятига бошқарма фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади;

к) бошқарма ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хуқукий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек бошқарманинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:

а) Давлат статистика қўмитасининг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий

ва истиқболли режаларини ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва бажарилишида Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси, бўлинмалари иштирокни таъминлайди ва мувофиқлаштиради. Бунда Давлат статистика қўмитаси 2016 йил 1 ноябрдаги 47-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қонун лойиҳаларига доир

фаолиятининг регламентига ва бу борадаги Давлат статистика қўмитасининг топшириқларига мувофиқ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси норма ижодкорлик фаолияти билан боғлиқ масалаларни амалга оширади ва унда иштирок этади.

б) бошқарма томонидан белгиланган тартибда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши зарурияти юзага келганда иштирок этади;

в) бошқарманинг ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

г) экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган ички меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳуқуқий хulosалар тайёрлайди;

д) ички меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳалари бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан бошқарманинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) тизимли равишида бошқарманинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги ички меъёрий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказади;

ж) бошқарма фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

з) бошқармага келиб тушган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган хисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

и) бошқарманинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, бошқарма раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

к) бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этиш бўйича таклифлар киритади;

л) бошқарма тизимиға кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

3) Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) бошқарма раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) бошқарма, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишида иштирок этади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2761-сон қарорида ва уни бажариш юзасидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган вазифаларни Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси тизимида ижросини таъминлайди;

в) бошқарма фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

г) зудлик билан бошқарма Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлар бўлимиға ва Дастурий техник таъминот ва маълумотларни сақлаш марказига бошқарма веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

д) бошқарма ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга бошқарма фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

е) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Адлия вазирлигининг, унинг жойлардаги бошқармаларининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли қўрсатмаларини бошқарма тизимиға кирадиган тузилмаларга етказади ва ижросини таъминлайди;

4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда бошқарма томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза кўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан бошқарманинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қиласи;

г) бошқарма томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

д) бошқарманинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва бошқармага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишида иштирок этади, бошқармада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиши тартибига риоя этилишини назорат қиласи;

е) тегишли тузилмалар билан биргаликда бошқарманинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳукуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

и) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳукуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда бошқармада мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қиласди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аникланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳукуқий хulosалар беради.

Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг юридик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

14. Юридик хизматга ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Юридик хизматнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

15. Юридик хизмат қуидаги ҳукуқларга эга:

Сурхондарё вилояти статистика бошқармасига келиб тушаётган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

бошқармаси, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган ҳукуқий масалаларга тегишли ийғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳукуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ички меъёрий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини

ижрочилариға пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътиrozларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

Бошқарма тизимиға кирадиган тузилмаларда бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини мунтазам ўрганиш. Бунда алоҳида режа тузган ҳолда ўрганиш ўтказилишини ва бир йил давомида бошқарманинг бутун тизимини қамраб олинишини таъминлайди;

Бошқарма, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузәётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бошқармада, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларда ёки бошқарма томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишида иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш;

талабнома-даво тартибида бошқарма фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Юридик хизмат:

унга ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкландиган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

Сурхондарё вилояти статистика бошқармасида, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга, Адлия вазирлигининг жайлардаги бошқармаларига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши;

Давлат статистика қўмитаси ва унинг Юридик хизмати томонидан берилган вазифалар ва топшириқларни ўз ватида, сифатли ва тўлиқ бажариб бориши;

Давлат статистика қўмитаси ва унинг Юридик хизмати томонидан шакллантирилган ҳисбот шаклларига мувофиқ ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни белгиланган муддатларда топширилишини таъминлаши;

белгиланган тартибида ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Бош юрисконсульти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Юридик хизмат ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

Бош юрисконсультти ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4-боб. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

18. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмати ҳамда Адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмати ҳамда Адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг Юридик хизмат юрисконсультти ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмати ҳамда Адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни Сурхондарё вилояти статистика бошқармасидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

19. Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмати ҳамда Адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари Сурхондарё вилояти статистика бошқармасида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиришни амалга оширади, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади, юридик хизматга кўрсатмалар беради, шунингдек йўл қўйилган аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан методик ёрдам кўрсатади.

20. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.